

Ishonch

2019 йил 6 август • сешанба • № 96 (4225)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Форишда халқаро армия ўйинлари

Жиззах вилоятида жойлашган Фориш ҳарбий тоғ полигониди V халқаро армия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-майор Баҳодир Қурбонов, округ кўмондонлари, Россия мудофаа вазири ўринбосари Тимур Иванов ҳамда турли давлатлардан келган ҳарбий атташелар ҳозир бўлдилар. Унда Озарбойжон, Ангола, Арманистон, Беларусь, Вьетнам, Зимбабве, Венесуэла, Мьянма, Россия, Қозғистон ва Тожикистон вакиллари қатнашмоқда. Ўзбекистон илк бор халқаро армия ўйинларининг «Ҳарбий-тиббий эстафета» йўналишига мезбонлик қилмоқда.

«АрМИ – 2019» ўйинлари 31 та танловдан иборат бўлиб, улардан 16 таси Россия, тўрттаси Хитой учтаси Қозғистон, Беларусь ва Эронда иккита, Арманистон, Озарбойжон, Ҳиндистон, Мўғулистон ва Ўзбекистонда биттаси ўтказилади.

Фориш ҳарбий тоғ полигониди мусобақа иштирокчилари учун миллий хунармандчилик, қўл меҳнати билан тайёрланган буюмлар, ҳар бир вилоятнинг маданияти, тарихини акс-эттирган макетлар кўргазмаси ҳам уюштирилади.

Аъзамжон АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»



КУН НАФА СИ

«Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Эль-Пасо, Дейтон ва Чикаго шаҳарларида рўй берган фожеали воқеаларда кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани ва жабрлангани муносабати билан АҚШ президенти Дональд Трампга ҳамдардлик билдирди.

1 август куни Ўзбекистон ва Туркия ҳукуматлари ўртасида 2017 йилнинг 25 октябрь куни имзоланган туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим кучга кирди.

Туркия элчиларининг йиллик 11-конференциясида иштирок этиш учун Анқарага ташир буюрган Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Туркия Ташқи ишлар вазири Мавлуд Човушўғли ҳамраислигида Туркия-Ўзбекистон Стратегик режалаштириш гуруҳининг 1-учрашуви бўлиб ўтди.

Тошкентда «Ўзбекистон – Қозғистон: бепоён кенгликлар – аънанавий меҳмондўстлик» мавзусида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тадбири ташкил этилди.

Фаррух Носиров Марказий Осиё триатлон ассоциацияси вице-президенти этиб сайланди.

Шаҳноза Мирзиёева Мактабгача таълим вазирилиги Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва юритиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

АҚШнинг «GMFR-AL-BUKHARIY» компанияси президенти Диловар Ҳулом Имом Ал-Бухорий мажмуа ҳудудида 4 юлдузли меҳмонхона курилишига тамал тоши қўйиш маросимида қатнашди.

Самарқанд вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти матбуот хизмати

«Содиқ дўст» жамоаси вакили Шодиёр Шомуродов ўз хизмат ити билан Москва вилоятининг Дмитров шаҳрида ўтказилаётган мусобақада «Дог биатлон» (индивидуал пойга) шартида барча тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, рекорд ўрнатди.

Мудофаа вазирилиги матбуот хизмати

Раёсат йиғилиши

Ҳисобот эмас, амалий натижа керак

Жорий йилнинг биринчи ярмида Хоразм вилоятида 149 та ташкилот касаба уюшмалари хизматига жалб этилиб, 1460 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди. Бу ҳақда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилишида таъкидлаб ўтилди.

Бугун ҳар бир ходим – хоҳ у олий маълумотли мутахассис бўлсин, хоҳ оддий фаррош, меҳнати қаррлигини, зиммасидаги вазифани тўлиқ амалга ошириши учун етарли шароит бўлишини хоҳлайди. Бу давр талаби ҳамдир. Ушбу талабни қаноатлантиришда жамоа шартномаларининг аҳамияти катта. Маълумотларга кўра, жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 2018 йил давомида сарфланган маблағ 1 млн. 943 минг 500 сўмини ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткичлар янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Мактабгача таълим: БОҒЧАДАГИ МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА(МИ?)

Президентимизнинг 2019 йил 8 майдаги қарори билан «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» ва 2019 йил учун «Йўл харитаси» тасдиқланган эди.

Хўш, ўтган даврда бу борада нималарга эришилди? Боғчалардаги муаммолар қанчалик ечимини топмоқда? Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Мактабгача таълим вазирилиги муттасаддилари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда шу каби масалалар таҳлил этилди.

Жорий йилнинг июль ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, депутатлар концептуал жиҳатдан маъқуллаган ва Қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш белгиланган эди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Қонун лойиҳасини маромига етказишда аҳолининг муносабатини ўрганиш, фикр-мулоҳазалари ва таклифларини олиш, яъни қонун ижодкорлиги фаолиятига фуқароларимизни кенг жалб қилиш мақсадида қонун лойиҳасининг матни Қонунчилик палатасининг веб-сайти – «parliament.gov.uz»га жойлаштирилди, шунингдек, Касаба уюшмалари Федерациясининг расмий нашри – «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида чоп этилди. Шундан сўнг, қонун лойиҳаси юза-

сидан кўплаб таклифлар келиб тушаётгани инобатга олиниб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қонун лойиҳасининг муҳокамаларини ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

2-3



Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида»ги қарорига асосан Жаслик қўрғониди жойлашган жазони ижро этиш колонияси тугатилди.

Халқаро ҳамжамият ушбу қарорни Ўзбекистоннинг келгуси ривожланишидаги муҳим қадам сифатида эътироф этмоқда. Бир қатор сиёсий экспертлар эса уни сиёсий жасорат, деб атади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида қарор ижроси ҳамда унинг мазмун-моҳияти Ички ишлар вазириликнинг муттасаддилари иштирокида таҳлил этилди.

МАҲКУМЛАР ҚАЕРГА КўЧИРИЛАДИ?

– Мазкур қарорга асосан ушбу колонияда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар суд томонидан белгиланган жазони ўташ тартибига риоя этган ҳолда судланганига қадар яшаган манзилига яқин жойлашган колонияларга кўчирилади, – деди Ички ишлар вазири ўринбосари Баҳромбек Одилов. – Бу уларнинг оила аъзолари ва яқинлари мушкулни осонлаштириб, маблағи ва вақтини тежаш имконини яратди. Чунки мазкур колония Нукус шаҳридан 300, Қўнғирот тумани марказидан 180 километр

узоқликда жойлашган бўлиб, фуқароларга анчайин ноқулайликлар яратётган эди.

ган 2-сонли тергов комиссияси балансига ўтказилади.

ҚИЙНОҚЛАР ҚўЛЛАНИЛГАНМИ?

Анжуманда журналистлар мутасаддиларга «Жаслик»да маҳкумларга қандай қийноқлар қўлланилган?» деган саволни беришди.

ётган ички ишлар ходимларининг тақдирини ҳам журналистларда савол уйғотгани табиий.

Маълум қилинишича, қорақалпоғистонлик ходимлар ўзлари яшаётган ҳудудларга ишга жойлаштирилиши олдиндан режалаштирилган бўлиб, қолганлар эса республикамизнинг бошқа ҳудуд-

«ЖАСЛИҚ»нинг ёпилиши – муҳим тарихий воқелик

ҲИБСАДА КИМЛАР БОР?

1999 йилда Қўнғирот туманининг Жаслик қўрғониди қурилган 19-сон ЖИЭҚда оғир ва ўта оғир жазо муддатини ўтаб келаётган маҳкумлар қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар сақланиб келинган.

Ички ишлар вазири ўринбосари Баҳромбек Одиловнинг айтишича, «Жаслик» колонияси 1100 та ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда 395 нафар маҳкум ўзларига белгиланган жазо муддатини ўтаб келаётган эди. Уларнинг 10 фоизга яқини диний-экстремистик оқимларга алоқадор жиноят турларини содир этган инсонлардир. Эндиликда Жаслик колонияси биноси Нукусда жойлаш-

– Ўзбекистон ўз олдида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, хусусан, жазони ижро этиш тизимиди ҳам бу халқчил сиёсатни амалга ошириш йўлидан бормоқда, – дейилди саволга жавобан. – Бугунги кунда ҳеч қайси жазони ижро этиш колониясида маҳкумлар учун қийноқлар қўлланилишига йўл қўйилмайди. Жумладан, Жасликда ҳам қийноқлар қўлланилмаган. Бу инсон манфаатларини оёқости қилиш ҳисобланади.

НОЗИРЛАР ТАҚДИРИ НИМА БўЛАДИ?

«Жаслик» қамоқхонасида ишла-

ларида ўз йўналишларида иш билан таъминланади.

ЖАЗОНИ ЎТАШ ЖОЙЛАРИДА ИБОДАТГА РУХСАТ ЭТИЛАДИМИ?

Мамлакатимизда маҳкумларнинг диний эътиқод эркинлиги қай даражада таъминлангани борасидаги саволга Ички ишлар вазирилик Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғи Жамшид Султонов қуйидагича жавоб берди:

– Колонияларда барча маҳкумлар учун бир хил, қатъий кун тартиби жорий этилган. Агар маҳкум диний амалларни бажаришни истаса ва бу кун тартибига ҳалақит

Тафсилот



бермайдиган бўлса, бемолал амалга ошириши мумкин.

«ЖАСЛИҚ» ўРНИДА МУЗЕЙ...

– Бу колониянинг келгусида музей ёки бошқа бирор объектга айлантирилиши ҳозирча номаълум, – деди Баҳромбек Одилов.

Анжуманда мамлакатимизда жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларга нисбатан қийноқ ва бошқа таъийқ ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»

МУҲОКАМАДА



Farqona viloyati

Тадбирлар режасига мувофиқ, Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг

тирилгани, бунда хорижий тажриба ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун, илғор жиҳатларига эътибор берилгани қайд этиб ўтилди. «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган бўлиб, ўтган

улар фаолиятининг шаффоф механизмлари ва кафолатларини таъминлаётгани яққол кўзга ташланаётган эди. Бундан ташқари, касба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратининг самарали механизми, уни амалга оширишнинг тамойиллари, шакллари ва усуллари қонунчилик билан мустақкамланмаган эди. Қабул қилинаётган қонун лойиҳасида бу каби жиҳатларга эътибор қаратилган. «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Германия, Испания, Россия, Қозғоғистон, Озарбойжон, Молдова, Қирғизистон, Латвия, Арманистон каби хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари талаблари эътиборга олинган. Жумладан, ХМТнинг 87-, 98-, 135-, 154-, 111-, 144-сонли конвенциялари нормалари ва тавсиялари мазкур қонун лойиҳасида имплементация қилинган. Қолаверса, қонун лойиҳасининг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниши, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражаси ошишига, фуқароларнинг амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади. Муҳокамада қонун лойиҳасига бир қанча фикр ва таклифлар билдирилди.

Дахлдорлик ҳисси билан

раиси, академик Акмал Саидов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Қонунчилик палатаси депутатлари, касба уюшмалари ташкилотлари, давлат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Даставвал, жамоатчилик муҳокамасида иштирокчиларга қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати ва лойиҳадаги янгиликлар тўғрисида маълумот берилди. Сўнгра қонун лойиҳасининг мақсади, амал қилиш соҳаси, лойиҳадаги асосий тунунчалар, касба уюшмаларининг ҳуқуқлари, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг ўзига хослиги, касба уюшмаларининг ваколатлари кенгай-

давр мобайнида қонунга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Шу сабабли, мазкур қонунни замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати юзга келди ҳамда «Касба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қайд этиш лозимки, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши – аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражаси ошишига, фуқароларнинг амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлиги кучайишига хизмат қилади, – деди Акмал Саидов. – Амалдаги қонун касба уюшмаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қила олмайгани,

Мактабгача таълим: БОҒЧАДАГИ МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА(МИ?)



КАМРАБ ОЛИШ ҚАЧОН КЕНГАЙДИ?

– Аввало, ушбу ҳужжат республика қамровидан то вилоят, шаҳар, туман даражасигача тушиб борувчи мақсадли кўрсаткичларни, уларга эришиш учун зарур бўлган маблағнинг аниқ ҳисоб-китобларини аниқлаш имконини берди, – деди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. – Жумладан, ҳужжатда 2030 йилга бориб болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 40,5 фоиздан 80,8 фоизгача кўтарилиши режалаштирилган. Айни вақтда бу жараён авж паллада. Хусусан, 2021 йилда янги таълим масканлари очилиши ва мавжудларини кенгайтириш, шунингдек, давлат-хусусий шерикчилик асосида ҳамда чекка ҳудудлар учун долзарб бўлган мактабгача таълимнинг муқобил шакллари ҳисобига 56,8 фоизгача ўсиши режалаштирилган.

сорсинг тизимида фаолият кўрсатмоқда. Мирзо Улугбек туманида болалар овқатланишини ташкил этиш бўйича пилот лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа бутун республикамизга намуна бўла олади.

ТАРБИЯЧИМИ ЁКИ ФАРРОШ?

Тадбирда тарбиячиларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши масаласига ҳам эътибор қаратилди. – Тан олиш керакки, узоқ йиллар давомида ходимларимиз ободонлаштириш, мавсумий ишларга жалб қилиб келинган, – деб жавоб берди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. – Аммо энди бундай бўлмайди – мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Ҳар қандай хашарлар вазирик руҳсати билан бўлиши керак. Ҳар бир ҳолат алоҳида ўрганилади. Яқинда соҳамизга оид қабул қилинаётган қонунда ҳам бу муаммага алоҳида тўхталинган.

БОЛА ҲАҚИГА ХИЁНАТ – КЕЧИРИЛМАС ҲОЛ

Мактабгача таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этишда коррупцион ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Тадбирда шу мавзу ҳам муҳокама қилинди. Мактабгача таълим вазири ўринбосари Шодиёр Маматқуловнинг маълумот беришича, бир йил давомида бир болага давлат бюджет ва ота-оналар тўлаётган бадал пуллари ҳисобидан 3 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Аммо баъзи муассасалардаги болалар таомномасида бу маблағ тўлиқ акс этмайпти. Бу айрим раҳбарлар ва ошпазларнинг масъулиятсизлиги туфайлидир. Қолаверса, болалар овқатланиши бўйича мутахассисларга катта эҳтиёж мавжуд.

ЯНА БИР ГАП

Боғча опалар ота-оналарга ўқув қуроллари ва хўжалик маҳсулотлари рўйхатини беришда, бу қанчалик тўғри? Бу саволга жавобан эндиликда меъриёй ҳужжатларда боғча давлат томонидан бериладиган ва ота-она олиб келиши мумкин бўлган ашёлар ўрганиб чиқилаётгани ва келгусида бу масала ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ акс этиши таъкидланди. Аммо ҳозирда ҳар бир боғча учун керакли даражада хўжалик маҳсулотлари таомномасида бу маблағ тўлиқ акс этмайпти. Бу айрим раҳбарлар ва ошпазларнинг масъулиятсизлиги туфайлидир. Қолаверса, болалар овқатланиши бўйича мутахассисларга катта эҳтиёж мавжуд.

Шу сабаб мазкур масалада янги тизим – аутсорсингга ўтилаётгани соҳадаги мавжуд вазиятни яхшилашга туртки бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз МТМларида 13 та фирма аут-

Тадбир тасуротлари соҳада ислохотлар суръати тезлигидан далолат беради. Унинг натижалари тез орада бўй кўрсатиши тайин.

Зебо НАМАЗОВА,
«ISHONCH»

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,

Farqona viloyati хўкимлиги ахборот хизмати раҳбари:



– Қонун лойиҳасининг жойларда, халқ ичида муҳокама қилиниши, тажрибадан маълумки, яхши самара беради. Қолаверса, лойиҳа анча мукамал ишланганини таъкидлашни истардим. Лойиҳа бўйича фикр-мулоҳазаларга келсак, 47-модда жамоатчилик мониторинги деб аталади. Ҳўш, бу мониторинг кенгашлар ёки барча касба уюшмалари аъзолари томонидан ўтказиладими? Агар давлат органлари, мансабдор шахслар, иш берувчи фаолиятини мониторинг қилишни аъзолар ўтказса, аъзоликнинг ихтиёрийлигини ҳисобга олсак, бу қанчалик реал бўлади? Бу масалага аниқлик киритиш керак. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида «мониторинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин» дейилган. Бунда интернетдан фойдаланишни ҳам назарда тутадиган бўлсак, унда аудитория қамрови қандай бўлади? Бу жиҳатларга ҳам ойдинлик киритиш зарурати бор.

Гулнора ЮСУПОВА,

«DAEWOO TEXTILE» МЧЖ касба уюшмаси кўмитаси раиси:



– «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини диққат билан ўқиб чиқдим. Ҳақиқатан ҳам мазкур қонунда касба уюшмаларига кўплаб ваколатлар берилмоқда. Улар келгусида касба уюшмалари нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Муҳокама қилинаётган «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 9-боби – «Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни амалга оширишда касба уюшмаларининг иштироки» талабга жавоб беради. Чунки чет эллик инвесторлар билан айнан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ишлаймиз. Ушбу

ижтимоий шериклик, биринчидан ишчи-ходимлар манфаатига, иккинчидан, корхонанинг, ишлаб чиқариш қувватини ҳамда маҳсулот сифатини ошириш, корхонанинг дунё тўқимачилик бозоридagi салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Таклифим шундан иборатки, юртимизда кўплаб соҳа ходимларининг касб байрами бор. Касба уюшмалари ходимларининг эса бундай байрами йўқ. Жамоамиздаги тўрт минг нафар ишчи-ходимларнинг фикри ҳам шундай: махсус сана – «Касба уюшмалари куни» белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бунга юрт тараққиёти йўлида фидойилик билан меҳнат қилган инсонлар муносиб.

Оригул ҚОЗИХОНОВА,

Farqona viloyati касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудир:



– Қонун лойиҳасининг 46-моддасида «Жамоатчилик эшитиши» нормаси ўз аксини топган бўлиб, унга кўра давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари фаолиятига тааллуқли, жамоат аҳамиятга молик бўлган ёхуд ходимлар ёки умуман корхонанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган ийғилиш жамоатчилиги эшитиши экани белгиланган. Лекин ушбу моддада унинг мuddати кўрсатилмаган. Таклифим – қонунда жамоатчилик эшитиши мuddати белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Муқаддас АБДУЛЛАЕВА,

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси



– Янги қонун лойиҳасининг 9-моддасида касба уюшмалари иштироки ихтиёрийлиги назарда тутилган бўлиб,

унга кўра фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишга тўқинлик қилишга, шунингдек, уларни касба уюшмаларига аъзолликка киришга мажбурлашга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.

Ҳозирда амалиётда деярли 90 фоиз иш берувчилар касба уюшмасига ўз ходимларини аъзо қилишни хоҳлашмайди. Бу эса меҳнат қонунчилиги талабларининг бузилишига олиб келмоқда. Менимча, ушбу моддага фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида «ходимлар касба уюшмаларига ихтиёрийлик асосида аъзолликка кириб, бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишда иш берувчилар томонидан тўқинлик қилишга йўл қўйилмайди», деган сўзлар киритилиши лозим.

Шунда касба уюшмасига ишчи-ходимларни аъзо қилмасликка, иш берувчиларнинг тазйиқ ўтказишларини чеклашга ҳамда бу билан уларга бир хил шароит яратиш ва уларни ҳимоя қилиш шароити яратилади.

Фарҳод ўРИНБОЕВ,

Агротранспорт мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси



– Янги қонун лойиҳасининг 27-моддасида касба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари тегишлича жамоат бирлашмалари ва нодавлат нохотир ташкилотлари учун белгиланган тартиб ҳамда миқдорда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар, йиғимлар каби мажбурий тўловларни тўлаш назарда тутилган.

Лекин қонун лойиҳасининг 16-моддасида юридик шахс мақомисиз тузилган касба уюшмаси ҳам фаолият юритиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ юридик шахс мақомисиз тузилган касба уюшмасининг солиқ тўлаш ёки тўламаслик масаласи аниқ белгиланмаган. Шу боис ушбу масалага эътибор қаратиш лозим.

Қизғин савол-жавоблар, фикр-мулоҳазаларга бой рўхда ўтган муҳокамада «Касба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг айрим бандлари юзасидан иштирокчилардан аниқ таклифлар олинди.

«ISHONCH» муҳбири Жамшид ЭРҒАШЕВ ёзиб олди.

Аукцион савдолари хабарномаси!

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти

мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА:

1. 2019 йил 6 сентябрь куни соат 11:00да ташкил қилинадиган савдоларга «Агробанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 01.08.2019 йилдаги № 22-11/219-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибда чиқарилмоқда:
1. 2012 йилда и/ч, д/р: 01 951 GCA бўлган «ISUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус.

4. 2015 йилда и/ч, д/р: 01 847 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автомобил.
Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.
5. 2015 йилда и/ч, д/р: 01 846 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автомобил.
Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.
6. 2013 йилда и/ч, д/р: 01 483 TFA бўлган «Ласетти» русумли енгил (седан) автомобил.
Бошланғич баҳоси – 64 911 159 сўм.
7. 2017 йилда и/ч, д/р: 01 996 YCA бўлган «Ласетти» русумли енгил (седан) автомобил.
Бошланғич баҳоси – 80 588 354 сўм.

II. 2019 йил 6 сентябрь куни соат 12:00да ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Республикаси Президент Администратсияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси Марказий дорихонасининг 22.07.2019 йилдаги 280-сонли буюртмасига асосан

Марказий дорихона ҳисобидаги қуйидаги мулклар чиқаришмоқда:
2010 йилда и/ч, д/р: 01 488 CGA бўлган «Дамас» русумли енгил (седан) автомобил.
Бошланғич баҳоси – 41 852 852 сўм.
Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдоси ёлиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нарҳининг 1,0 (бир) фоизи миқдорда комиссия йиғими тўлаб берилди.

нидаги савдо учун 12 сентябрь кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).
Аукцион савдоларида иштирок этиш тағдида бўлган талабгорлардан:
– Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги зақалат пуллари тўлашлари;
– Жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси;
– Юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.
Аукцион савдоси ёлибига 10 кунлик муд-

дат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.
Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш мuddати – олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.
Зақалат тўлови учун реkvизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842710001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366.
Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан корхона ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.
Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-узу. Тел.: (99) 862-16-71. E-mail: has_savdo@mail.ru
Гувоҳнома № 576174

Эълон

Йўлнома

Митти ҳикоялар

Осмони яқин ерлар

кичларига тааллуқли Оқтов, Қоратов, Кўктепа, Қизилча, Қорақум, Оқтош, Оқтепа, Қорабулоқ сингари топонимик ва этнографик белгиларга эга жойлар ҳам кўп.

ОБОДЛИК НАШИДАСИ

Қўшработ туманининг Қўрғон қишлоғида Қўрғон дostonчилик мактабининг йирик намоянаси Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилиб ўсган. Утган асрнинг 1970 йилларида фидойи педагог Ойдин Синдоров улуг бахшининг ижод намуналари ва бошқа экспонатларни жамлаб, музей ҳолига келтирган. Бу музей таъмирталаб бўлиб қолгани сабабли айни пайтда замонавий андазада янгидан барпо этилмоқда.

Қўшработдаги йирик қишлоқлардан бири бўлган Жўшда бунёдкорлик ва қурилиш ишлари авжидида бир қанча янги савдо иншоотлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Жўшдан Оқмачит қишлоғига бориш тарафда замонавий аҳоли турар жойлари қад ростлаяпти.

Қадимий Ахчобсой даралари – тарихий ҳудуд. Бу кенгликларда кўплаб жанг-у суронлар бўлиб ўтган. Ҳозирда

Жўшдан Арғошқон, Урганжи, Керҳовут, Бозоржой, Оқтош қишлоқларига асфальт йўли ўтқазилляпти. Келгусида фусункор Оқтов ва Қоратов хорижлик сайёҳларни Фозилмон кўлларига чорласа, ажаб эмас.

– Ушбу бунёдкорлик ишлари одамларни ниҳоятда қувонтирмоқда, – дейди Қўшработ туманидаги Оқтош қишлоғида жойлашган 51-умумтаълим мактаби ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Жўрабой Қораев. – Қишлоқ зиёлилари бундай янгиликларни узоқ йиллар орзиқиб кутган эди. Келгусида қишлоқларимиз шаҳардан асло қолишмайдиган бўлади.

Қўшработлик фахрий ўқитувчи Иброҳим ака Ғойибназаров маънавий-маърифий мавзуда кўплаб мақолалар ёзган. Унинг «Ойдин тунлар кўшиғи» номли китобида шундай сатрлар бор:

**Бунда уйлар туташ қурилган,
Бунда осмон жуда ҳам яқин...**

МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ

– Бу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, – деб эслайди кекса муаллим Ҳамза

Чинниев. – 1978 йили атоқли адабиётшунос Озод Шарафидинов бошчилигидаги бир гуруҳ зиёлилар Жўш қишлоғига келишди. Улар орасида Ахчоб қишлоғида туғилиб ўсган адабиётшунос Умрзоқ Ўлжабоев ҳам бор эди. Меҳмонлар аввал Жўш қишлоғини томоша қилишди, кейин қишлоқ кутубхонасига киришди. Қарасан, харобгина кутубхона бўм-бўш, бор китоблар ҳам чанг босиб ётибди. Буни кўрган Озод домла оғир хўрсиниб, китобларнинг чанглари артишга тушди. Бундан таъсирланган хўжалик раҳбари орадан кўп ўтмай кутубхонани таъмирлатиб, обод гўшага айлантирди. Ундан бир неча авлод маънавий озиқ олди. Афсуски, ҳозир у йўқ.

Эзуликка қўл ураётган Самарқанд вилояти ва Қўшработ тумани ҳокимлиги бу ерда китоб захирасига бой кутубхона ҳам бунёд этса, китоб ихлосмандларининг маънавий эҳтиёжи қондирилди эди. Уйлаймизки, бу хайрли иш тез орада амалга ошади.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,
журналист



СИРЛИ МАНЗИЛЛАР

Нурота тоғ тизмаси Олой – Туркистон тоғ тизмининг энг ғарбий бўлаги ҳисобланиб, Сангзор водийсидаги Моргузар, Илонўти, Темуранг дара-сидан бошланади. Шимолий Нурота тоғи Қоратов деб номланиб, унинг энг тик чўққиси – Заргарнинг баландлиги 2165 метрга тенг. Жанубий Нурота тоғининг Оқтов деб аталадиган тизма-сидаги Тахтқўч чўққиси денгиз сатхи-дан 2005 метр баландликда бўлиб, ҳар иккала тоғ таркибида ҳали кашф этил-маган фойдали қазилмалар, доривор табиий ўсимликлар жуда кўп.

Ушбу тоғларнинг Нурота – Қўшра-бот кенгликлариди академик Яҳё Ғуло-мов, Пўлат Зоҳидов, О.Рестовцев син-гари машҳур археологлар қазимша ишларини амалга оширган.

Бу ҳудудда сувдан унумли фойда-ланиш, ҳосилдор ерларни обод қи-лиш азалдан асосий масала бўлиб кел-ган. Шу боис кўплаб жойларнинг номи булоқ ёки сув йўли билан боғлиқ. Ма-салан, Қўшработда Булоқбоши, Жом-булоқ, Совуқбулоқ, Ахчобсой, Дуоба, Кўкбулоқ, Сувлик, Сойкечар, Бош ко-риз, Дарасой каби номлар мавжуд. Икки тоғ кенгликлариди ранг кўрсат-

Хароб ва файзи йўқ жойда яшаётган аҳоли-нинг кайфияти ҳам, ке-лажакка интилиши ҳам бўлмайди. Агар биз қиш-лоқларни обод қилсак, у ердаги халқнинг кайфи-яти ўзгаради, ўз ҳаётини янада яхшилашга инти-лиш пайдо бўлади, қиш-лоқлар иқтисодий юк-салади. Буларнинг бари Ватанимизнинг обод-лиги ва иқтисодий юкса-лиши учун яна бир муҳим тўртки бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Qishloq Qurilish Invest 10 ёшда

Азиз бунёдкорлар!

«QISHLOQ QURILISH INVEST» инжиниринг компанияси жамоаси

уста бинокорлар, меъмор ва лойиҳачиларни, пудратчи ташкилотлар вакиллари ҳамда фахрийларни, ушбу тизимга дахлдор барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

Қурилиш соҳаси ходимлари кун

билан самимий табриклайди.

2009 йил мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланган эди. Мазкур йилга бағишлаб қабул қилинган давлат дастурига мувофиқ, 2009 йил 3 августда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжи-нинг компанияси ташкил этилди.


Давлат дастурига асосан ўша йилдан буён қишлоқ аҳли турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқларда замо-навий уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилишга қаратилган кенг қамровли тадбир-лар бошланди. Уларни амалга оширишда «Қишлоқ қурилиш инвест»га ҳам бир қатор вазифалар юклатилди.

Ўн йилдирки мазкур ташкилот мамлакатимиз ободлигига муносиб улуш қўшиб келмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, янги босқичда ишлар да-вом эттирилиб, қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш бўйича эзгу амаллар давомийлиги таъминланмоқда.

Ана шундай шарафли вазифани адо этаётган Сиз азиз бунёдкорларнинг азм-у шижоатига ҳеч қачон кўз тегмасин!

Барчангизга сихат-саломатлик, ютуқ ва омадлар, оилаингизга бахт-у саодат, файз-у барака тилаймиз.



МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бўхоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Баҳоис келишилган нарҳда.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iprotka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бўхоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навобий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сурдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Мусаҳҳиж:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдужаллилов

ЎзА яқини – 21:10
Топширилди – 01:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буортма Г – 817. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

БИР ОЁҚДА БЎЛСА ҲАМ...

Қишлоғимиздан Иккинчи жаҳон урушига кетган 194 нафар кишидан 68 нафаригина қайтиб келган. Уларнинг ичида орден, медалларни кўп олгани Исмоил Бува эди.

Отаҳон мактабимизда ўтказиладиган турли-туман тадбирларга тез-тез келиб турарди. Шундай тадбирларнинг бирида Маъмур деган ўртоғим Исмоил бувага «Урушда олган муқофотларингизнинг қайсиниси энг зўр?» дея савол берди.

У маънос овозда, лекин қатъият билан деди: – Энг зўр муқофотим, бир оёқда бўлса ҳам, жаҳаннамдан қишлоғимга тирик қайтиб келганим!

ҚЎШНИ ХОТИН

Қўча эшигида қўшни хотин кўринди. Бувим кучоғида эркаланиб, қиқир-қиқир кулиб ўтирган чақалоқ укамни менга тутқазиб, кичик эшикдан астагина чорбоғ томонга ўтказиб юборди.

...Қўшни хотин фарзандсиз эди.

САНДИҚ

Қўшни жувон эри билан қўйди-чиқди бўлган кунлардан бирида жувоннинг тоғаси унинг юқини олиб кетиш учун келади. Ҳамма нарсани машинага ортиб бўлишиб, катта чинор сандиқ оғирлик қилиб турганда отам келиб қолади ва тоға-жаннинг илтимоси билан сандиқни юклашиб юборади.

Шундан кейин қўш-ниларимиз биз билан кирди-чиқдини тўхтатди. Отам орадаги совуқчиликни кўтаришга кўп йиллар ҳаракат қилди, лекин фойда бермади.

Отам афсусланиб менга шундай деганди:

– Сандиқ туфайли қибадаги қўшнимдан ажралганим ёмон бўлди. Бундан олган энг катта сабоғим – ёрдамни ҳам билиб қилиш керак экан, ўғлим.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашининг собиқ ходими

Маъруф

ТОЖИХОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.